

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИКА
БОШЛАГАН



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№№ 11 — 12

(2548 — 2549)

1993 йил

12 ФЕВРАЛЬ

ЖУМА

НАРХИ 6 СЎМ

Қонунчилик ва интизом — бош масала

Ўзбекистон Республикаси ИИБда вазирнинг биринчи муовини полковник Э.Т. Мамадалиев вазирлик таркибининг раҳбар ходимлари иштирокида оператив йиғилиш ўтказди. Бу йиғилишда ички ишлар вазирининг ўринбосарларидан милиция генерал-майори Г.Р. Раҳимов, ички хизмат полковниги Э.Н. Норғитов, ички хизмат полковниги Р.Х. Хайдаров, ИИБнинг Штаб бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ш.М. Мавлонов, бўлим ва бўлинмаларнинг бошлиқлари иштирок этишди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган "Ички ишлар идораларининг оператив хизмат фаолиятида интизом ва қонунчиликни таъминлаш бўйича раҳбар ходимларнинг тутган ўрни" тўғрисида ИИБнинг Штаб бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ш.М. Мавлонов маъруза қилди.

Нотик Марказий идора ходимларининг қуйи идоралар, бўлинмалар устидан юритаётган раҳбарлиги, назорат олиб боришнинг аҳволи ва ижрочилик интизومي ҳақида батафсил гапирди.

Сўзга чиққан вазир ўринбосарлари — Г.Р. Раҳимов, Э.Н. Норғитов, Р.Х. Хайдаров бошқарув аппаратининг ташкилотчилик фаолиятини яхшилаш ва кучайтириш билан боглиқ бўлган ички ишлар идоралари бўлинмаларидаги энг долзарб, муҳим муаммоларга тўхталди ва уларни ҳал этиш тўғрисида, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Марказий идора ходимларининг касб маҳоратларини кўтариш, хизмат сафарларининг самарадорлигини ошириш, ҳар бир қабул қилинган қарор ижроси бўйича назоратни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Баъзи хизматларнинг раҳбарлари ва алоҳида ходимлари ҳолисона танқид қилиб ўтилди.

Йиғилиш сўнггида ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник И.Т. Мамадалиев яқинловчи нутқ сўзлаб, Марказий идора ишига танқидий баҳо берди ва хизмат фаолиятини тубдан ўзгартириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. У ИИБ таркибининг раҳбар ходимлари олдида оператив хизматни янада яхшилаш бўйича аниқ вазифалар қўйди.

Оператив йиғилиш қарорида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида ички ишлар бўлинмаларида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, қонунчилик ва интизомни мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган дастурни бажариш бўйича аниқ йўл-йўриқлар берилди.

М. ТИЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Олий милиция мактабига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" китобига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Г. Абдураҳимов

халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиш, ташаббускорлик ва ишбилармонлиқни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, улардаги ҳўжайинлик тўғрисида қайта тиклаш фикри билан йўғрилган. Инсон учун муносиб турмуш шароити яратиш, унга ўз имкониятларини рўйбага чиқариш учун имкон беришга бутун жамият

Инсон ҳақида ғамхўрлик

кириш сўзида ҳозирги вазиятга қисқача таъриф бериб, И. А. Каримовнинг китоби мустақил давлатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида жиддий воқеа бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор С. Хан "И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" китоби ва мустақил давлат тузиш назариясининг баъзи масалалари" мавзусида маъруза қилди.

— И. А. Каримовнинг китобида, — деди нотик, — жаҳон тараққиёти ва ўзимизнинг тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш борасида ўз йўлимизни топиш зарурлиги асосланган, провард мақсад — барқарор бозор иқтисоди, ошқора ташқи сиёсатга эга кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти тузишга таъриф берилган.

Китоб инсон ҳақида ғамхўрлик,

тараққиётнинг олий мақсади сифатида қаралади.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари иқтисод фанлари номзоди С. Йўлдошев, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди И. Тультеев, тарих фанлари номзоди Э. Орифжонов, фалсафа фанлари номзоди Б. Тўйчиев ва бошқаларнинг нутқларини ҳам катта қизиқиш билан тингладилар.

Конференция И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли" китобини ўқитувчи ва тингловчилар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни ташкил этиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади ва мактаб жамоаси республикани янгилаш дастурини амалга оширишда фаол иштирок этади, мустақил Ўзбекистонни мустаҳкамлаш ва уни раванқ топтириш ишига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонч билдирди.

М. СУЛАЙМОНОВ.



Милиция майори Мурод Маждидов ўн беш йилдан буён Ромитан тумани ИИБда участка вакили бўлиб ишлаб келади. Участка вакили ўзига беришган маъмурий участка ҳудудидаги (аҳолиси 12 мингдан зиёд) оператив вазиятни, участканинг ўзига ҳос шарт-шароитларини яхши билади. Шунинг учун ҳам ўтган йили бу ерда содир этилган жиноятларнинг ҳаммаси очилди.

Жондор тумани ИИБ иш тажрибасини Ромитан туманида биринчилардан бўлиб милиция майори М. Маждидов кундалик ишига тадбиқ этиб, "Боғитуркон" ижарачилик ҳўжалиги аҳдлисини жалб қилган ҳолда тунги қоровулликни ташкил қилди. Бу участка ҳудудида оператив вазиятнинг барқарорлашувига ердан берди.

Суратда: М. Маждидов "Боғитуркон" ижарачилик ҳўжалиги маҳаллий аҳолидан иборат тунги қоровулларга навбатчилик олдида йўл-йўриқ бераётган.

Е. ЗУЕВ олган сурат.

Юбилей билан табриклаймиз

Тошкент ҳокимлиги ИИБ фахрийлар кенгаши 35 ешга тўлди. Бу оз муддат эмас. Ана шу муҳим аҳамиятга эга бўлган санага ИИБнинг шахсий таркибини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими олдиндан тайергарлик кўра бошлади. Фахрийларга таклифномалар тарқатилди. Кун тартиби тайерланди.

Юбилейга бағишланган тантанали йиғилишни ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Жўраев очиб, фахрийларни кутлуг сана билан табриклади.

ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги Н. Хабаров ўз маърузасида фахрийлар кенгашининг ташкил топиш тарихи ва унинг фаолияти тўғрисида сўзлади.

ИИБ бошлиғининг буйруғи билан фахрийлар кенгаши фахрий ерлик билан тақдирланди, табриқнома ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат генерал-

лейтенанти Б. Сирождидинов табрик сўзи билан чиқиб, фахрийлар шайнига илиқ сўзлар айтди, сўнгра энг фаолларга юбилей медаллари топширди.

Ички ишлар туман идоралари фахрийлар кенгашларининг раислари ҳам дилларидаги яхши ниятларини билдиришди. Шундан сўнг Тошкент милициясининг жуда бой тарихига бағишланган фильм кўрсатилди.

Фахрийлар кенгаши ташкил этилган пайтдан буён ходимлар авлодлари алмашди, кенгашнинг таркиби ҳам ўзгарди, лекин фахрийларнинг қадрдон жамоалари билан алоқани узмасликка, милиция ходимларининг навқирон авлодини ўз хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш ишига ҳар томонлама ердан беришга, ички ишлар идораларидаги кўп йиллик хизмат давомида тўпланган билим ва тажрибадан баҳраманд қилишга бўлган истак-хоҳишлари ўзгармай қолди.

(Давоми 2-бетда).

Сўз — вилоят ИИБ раҳбарига

Қийинчиликларни биргаликда бартараф этамиз

Ўтган йил вилоятимиз ички ишлар идоралари ходимлари учун, айтиш мумкинки, энг қийин йиллардан бири бўлди. Мустақилликка эришган ёш республикамиз ўзининг дастлабки қадамларини иқтисодиётдаги мураккаб аҳвол ва жиноятчиликнинг ўсиши билан бирга бораётган бозор муносабатларига ўтиш шароитида қўйишига тўғри келади. Қўшни Тожикистондаги фожиали воқеалар ҳам ишни кўпайтирди. Лекин, буларнинг ҳаммасига қарамай, вилоят ички ишлар бошқармасининг фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берди. Жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, жамоат хавфсизлигини, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида "Комплекс", "Тўр", "Ғамхўрлик" сингари бир қатор амалий тадбирлар ўтказилди, бу эса жиноятчилик ўсишининг олдини олиш учун қулай замин яратди.

Чунончи, оғир жиноятлар миқдори 1991 йил билан таққосланганда 3,6 фоиз, номусга тегишлар — 29,4, талон-торожлар — 5,9, фуқароларнинг шахсий мол-мулкни ўғирлашлар — 2, автоулов воситаларини ҳайдаб кетишлар 31 фоиз камайди. Жиноятларни очиш кўрсаткичлари ҳам юксалди.

1992 йилда вилоят ҳудудида 400га яқин жиноий гуруҳ қош этилди, 1063 киши, шу жумладан жиноятчилар дунёсининг 33 "обрўли" етакчиси жиноий жавобгарликка тортилди.

"Қорадори-92" тадбири натижасида 529 килограммдан ортиқ гиёванд модда мусодара этилди ва йўқ қилинди, жами 150 гектар майдонда гиёванд ўсимликлар ўстиришининг 1551 ҳодисаси аниқланди.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, йирик ва алоҳида йирик миқдорда ўғирликлар содир бўлиши 79,3 фоиз кўп аниқланди.

Тергов ишида асосий кўрсаткичларни яхшилашга ҳам муваффақ бўлинди. ДАН ходимлари ташкилий ва йўл ҳодисалари олдини олиш ишлари самарадорлигини оширишлари натижасида вилоятда йўл-транспорт ҳодисаларининг миқдори ҳам 23,6 фоизга камайди. Самарқандда, Пайариқ ва Пастдарғом туманларида очилмаган жиноятларнинг миқдори ҳам анча пасайди.

Шу билан бирга ички ишлар бошқармаси фаолияти 1992 йили камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмади. Рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий миқдори 4,3 фоизга, жиноят-қидирув

соҳасида — 10,5 фоизга кўпайди. 1991 йил билан таққослаганда рўйхатга олинган қотилликлар 26,1 фоиз, давлат мол-мулкни ўғирлашлар 31,1 фоиз ошди. Жиноятчиликнинг ўсиши айниқса Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон, Нуробод ва Самарқанд туманларида, шунингдек Каттақўрғонда сезиларли бўлди, бунга ички ишлар бўлимларининг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги қониқарсиз иши сабаб дейиш мумкин.

Агар умуман вилоят бўйича жиноятларни очиш фоизи ошган бўлса, Каттақўрғонда очилмаган жиноятлар миқдори 28,1 дан 33,4 фоизга, Иштихон туманида 15,9 дан 23,5 фоизга, Нарпай туманида 17,6 дан 22,8 фоизга кўпайган. Қидирув иши ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Айрим туманларни истисно этганда воёга етмаганлар билан ишлаш инспекцияларининг иши ҳам яхшиланди. Ўсмирлар орасида жиноятчилик 1991 йил билан таққосланганда 9 фоизга камайган.

Жиноятларнинг олдини олишда участка вакиллари ва воёга етмаганлар билан ишлаш нозирининг фаолияти алоҳида роль ўйнамоқда. Лекин уларнинг иши қониқарли бўлмоқда, деб айта олмаيمиз.

Статистикага мурожаат қилайлик.

1992 йили 116 қотиллик рўйхатга олинган, шулардан 50таси мавийнинг заминда, 33таси — мастлик ҳолатда, 20таси — бир неча маротаба судланганлар томонидан ва 45таси — маълум машғулоти бўлмаган шахслар томонидан содир этилган.

Илгари судланган 3955 кишидан атиги 77 нафари маъмурий назорат остига олинган, уларнинг 41таси такроран жиноятга қўл урган. Вилоятда жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг 71 пункти мавжуд, уларнинг 39таси расмий учунгина ишламоқда.

Ички ишлар бошқармасининг фаолиятини янада яхшилаш учун ҳозир унинг барча бўлинмалари жиноятларнинг олдини олишга доир профилактик тадбирларни ўтказишда ўзаро янада ҳамкорлик қилишларини таъминлаш, шахсий таркиб билан тарбиявий ишни кучайтириш гоётада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ходимларимизнинг бутун куч-ҳаракати фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, уларнинг тинч-осойишта меҳнатини таъминлашга қаратилиши керак.

Т. ТЎХТАЕВ,

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори.

Ўтган шанба куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида профилактика хизмати бошқармаси ҳамда «Постда» — «На посту» газетасининг муҳарририяти ташаббуси билан вилоятлардаги бир гуруҳ энг яхши участка вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Республика ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов, вазирлик профилактика хизмати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Қ. Х. Назаров, «Постда» — «На посту» газетасининг ижодий ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбати иштирокчилари минтақаларда безорилик,

ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

йўлтўсарлик, босқинчилик, порахўрлик, уюшган гуруҳларга қарши шу кунларда амалга оширилаётган ишлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар хусусида гапиришди. Тажибалари билан ўртоқлашишди.

Йиғилиш сўнггида давра суҳбати қатнашчилари республикадаги ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган барча ҳамкасбларга, минтақалардаги раҳбар ходимларга, барча меҳнаткашларга Мурожаатнома қабул қилишди. Шунингдек, улар Республика Президенти И. А. Каримов номига мактуб тайёрлашди. Унда жиноятчиларга, уюшган жиноятчи гуруҳларга қарши Президент бошлаган курашни қўллаб-қувватлашлари баён этилган.

С. СУЛАЙМОНОВ,
М. ТИЛЛАЕВ.

(Давра суҳбати материаллари билан газетамизнинг кейинги сониди батафсил танишасиз).

ЮБИЛЕЙ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ

(Боши 1-бетда).

Кенгаш мажлисларида шаҳар бошқармасининг раҳбарлари доимо иштирок этадилар, улар шаҳардаги оператив вазият, хизмат интизомини бузиш ҳоллари ҳақида ҳикоя қиладилар. Натижада кенгашда бошқарма идоралари ва бўлинмаларида интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишнинг ролини оширишга ердам бериш масалалари янада собитқадамлик билан ҳал қилинмоқда.

Фахрийлар кенгаши аъзолари томонидан республика ИИБ Олий мактаби ва шаҳар ИИБ ўқув марказининг курсантлари билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказилмоқда.

Улар ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя ва хотиралар билан чиқадиладар, шахсий ўрнаклари мисолида ёшларда масъулият ва хизматга ҳурмат туйғусини тарбияламоқдалар.

Ички ишлар идоралари ёш ходимларининг тантанали қасамёдида фахрийларнинг иштирок этишлари катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Кенгаш нафақа таъминотида бўлган барча фахрийларни ҳисобга олиш ва уларнинг рўйхатларини тузиш бўйича катта иш олиб борди, бу эса гоётада муҳим масалаларни ҳал қилишда, санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланмалар билан таъминлаш ва моддий ердам кўрсатиш борасида уларга кўмаклашиш имконини берди. Ёлғизлар, ногирон ва жуда кексайиб қолган фахрийларнинг турмуш шароитлари текширилди.

Фахрийлар кенгаши меҳр-мурувват кўрсатиш тадбирларида фаол қатнашади, бунда ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган милиция ходимларининг оилаларига ҳамдардлик билдиради ва моддий ердам кўрсатади.

Нафақадорларни кенгаш

фаолиятига янада кенгрок жалб этиш мақсадида шаҳар туманлари ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг собиқ ходимлари орасидан ана шу идоралар ҳузурида мустақил кенгашлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бошқарма ва шахсий таркибни ижтимоий-хукуқий химоя қилиш бўлими раҳбарияти томонидан доимий эътибор ва мадад бўлмаганида кенгаш кўп ишларни қишлолмага бўлар эди. Байрамлар шарафига ва жамоат ишида фаол қатнашганлари учун фахрийларни тақдирлаш тўғрисида бир неча бор буйруқлар чиқарилди. Ғалаба кунда фахрийлар кенгашига рангли телевизор совға қилинди.

Мураббийларимизни юбилей билан табриклар эканмиз, уларга бахт-саодат, ишларида муваффақият ва энг асосийси — соғлиқ тилаймиз.

Р. СОЛИЕВ,
милиция лейтенанти.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг муовини, милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов республикада нашр этилаётган оммавий матбуот вакиллари билан учрашди.

— Ҳозирги иқтисодий танглик пайтида жиноятчиликнинг турли кўринишлари тобора кўпаяётгани ҳаммага аён, — деди у учрашувни очар экан, — «Ишламай тишлаётган» чайқовчилардан, чўнтакесар киссавурлардан, босқинчилардан, машина ўғриларида жабр кўраётганлар озми? Ёки пешона тери билан топган пули, меҳнати эвазига сотиб олган буюмларидан бир кечада ажраб, қон қақшаб қолаётганларнинг аҳволини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Нақадар аянчли-а?

Ўғрилиқ, қотиллик каби разил ва қабиҳ ишни касб қилиб олган зўравонлар бугун бўлмаса эртага албатта қилмишига яраша жазо олишлари муқаррар. Табиийки, бундай жиноятларни фош этиш осон кечмаяпти ва ҳамон ўткир муаммолардан бири бўлиб турибди.

Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири — лоқайдлик, кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги бўлса, иккинчи томондан, озиқ-овқат ва саноат молларининг камёблиги, нарх-навоининг кескин кўтарилишидандир.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимлари фуқаролар содир этган жиноятларни очиш билан бирга уларнинг олдини олиш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга ошираётирлар.

Республикамиз Президенти ҳурматли Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуслари билан жиноятчиликка қарши бошланган кураш шу кунларда ўз самарасини бермоқда, — деди сўзининг охирида Ғ. Р. Раҳимов.

Шундан сўнг вазир ўринбосари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

Т. МУРОДОВ.



Кўшкўпир тумани ИИБ ходимларининг олиб борган тадбирлари натижасида гиёванд моддаларни сақлаш ва сотиш ишлари билан шугулланиб келган бир қатор шахслар ушланди ва қонуний асосда жавобгарликка тортилди.

СУРАТЛАРДА: туман ИИБ ЖКБ катта вакили, милиция лейтенанти Давронбек Отаев (чапда) ва «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг участка вакили, милиция катта лейтенанти Абдукарим Маттиевлар бангилардан тортиб олинган гиёванд моддаларни кўздан кечирмоқдалар; тортиб олинган кандил (банг) ўсимлиги.

Сатдулло БОБО олган суратлар.

ПЕШОНА ТЕРИ БИЛАН

Бозор иқтисодиёти ҳамма соҳага ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Барча қатори ички ишлар ходимларини ҳам бу жараён қийнаб қўйди. Тўғрида, халқ тинч бўлса, осийишталик посбонлари ҳам тинч, агар нотинч бўлса-чи, кечаю кундузнинг уларга фарқи бўлмай қолади. Мен мана шу касб эгаларидан бири, Зомин тумани ИИБнинг навбатчиси, милиция капитани Муҳаммадjon Қорабоев билан учрашдим.

— Баъзи бир кишилар, — дейди Муҳаммадjon, навбатчида бир кунлик вақтини ўтказиб кетувчи деб қарашади. Аслида-чи? У ҳам халқнинг тинчлиги учун қайғурувчи жонкуярлардан бири.

Мен ИИБ навбатчилари билан тиббий тез ёрдам навбатчиларини доим бир-бирларига қиёс қиламан, ҳар иккала касб эгалари ҳам халқ тинчлиги учун масъулдирлар. Муҳаммадjon Қорабоев ҳам ўз навбатчилигида доим тинчлик бўлишини тилайди.

... Зоминнинг марказий дўконларидан бирига уланган мослама кечаси тўсатдан ишлаб кетди. Навбатчи оператив гуруҳни зудлик билан жиноят содир қилинган томонга жўнатди. Гуруҳ озиқ-овқат дўконининг ёруғ тушмайдиган томонини тешиб, ичкарига кирган икки ёш йигитчани вақеа жойидаёқ қўлга олди.

ЖКБ катта оператив вакили, милиция капитани Маҳмуд Отабеков,

терговчи Мухтор Мирзаев, эксперт-криминалист, милиция капитани Қосим Раҳмоновларнинг ўз вақтида қилган ҳаракатлари, қолаверса, навбатчи Муҳаммадjon Қорабоевнинг 17 йил давомида ички ишлар бўлимида ишлаб ортирган тажрибаси ўғрилари жиноят устида туттишга қўл келди.

— Муҳаммадjon, бўш вақтларингизни нималарга сарфлайсиз? — сўрадим ундан.

— Аввалом бор, ҳеч қачон бекорчи бўлиб қолмаслигимга ишонаман: ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликлари ҳаммага ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни ўргатмоқда. Бу шароитда биргина маош билан кун кўриш қийин, қолаверса, беш нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан ҳар йили Зомин адирларидан уч гектарини олиб, лалмикор ерлардан унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Бу жойларга қовун-тарвуз, бугдой, кунжут ва зигир кабилардан экиб, рўзгорнинг кам-кўстларини бутлаб турибмиз.

Мен Муҳаммадjon ҳақида сўраганимда касбдош ва маҳалладошлари илиқ гапларни айтишди, Муҳаммадjon соф виждонли, эл-халқ ташвиши билан бирга яшайдиган инсон, ўта меҳнаткаш йигитлардан, дейишди.

Х. ҚАЙНАРОВ,
Зарбдор тумани.

Икки жума оралиғида

НОТЎҒРИ ҲИСОБ

Олмалиқ шаҳрида икки ўртоқ учрашиб, учинчи ўртоқнинг уйига меҳмонга жўнашди. Меҳмонлар гапдан гап чиқиб, ниманидир бўлишолмай қолди. Натижада бири иккинчисини урди. Калтакланган ўзини қўярга жой тополмай, қочаман деб ўзини эшикнинг ўрнига деразага урди.

Жабрдийда ҳисобдан сал адашган экан — хона тўртинчи қаватда эди...

"ҚЎЛБОЛА" ЁНГИН

Самарқанд шаҳар А. Розий кўчасидаги уйлардан бирининг хонадонида кечаси ёнғин юз берди. У ўчирилгач, шу хонадон соҳибаси ва бир яшарлик қизалоғининг жасади топилди.

Суд-тиббийот хулосасига кўра улар бўғиб ўлдирилган экан. Кўрилган чоралар натижасида гумандор сифатида шу кўчада яшовчи йигит ушланди.

НОМУС

Эрталаб Бағдод тумани марказидаги тиш поликлиникаси ёнида ҳеч қаерда ишламайдиган риштонлик, 13 кундан буён бедарак йўқолган йигитнинг жасади топилди.

У яланғоч ҳолда, танасида ҳар хил жароҳатлари бор эди.

Жасадининг устида хат ҳам турган экан. Хат муаллифи бу йигитни хотини билан бирга бўлгани учун ўлдирганини ёзганди.

Қотилни аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилди.

БОЛАНГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Куйи Чирчиқ туманидаги Солдатское шаҳрида яшовчи аёл уй эшигини очиб қолдириб, қаергадир чиқиб кетганди. Қайтиб келса ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғли Ихтиёр йўқ. Уни кимдир ўғирлаб кетибди.

Қидирув бошланди.

ФИНИШ

Ўтган ҳафтада беш панжасини оғзига тикқанлар ҳам учради. Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги "Коммунизм" давлат хўжалиги ҳудудида яшовчи йигитнинг уйдан олти килограмм гиёванд модда ва спорт старт тўппончаси топилди. Энди унинг "финиш"и нима бўларкин?

БИР ЎҚҚА 50 МИНГ

Термиз темир йўл депоси ишчиси шом

пайти юз берган воқеадан кино кўраётганми, деган уйга ҳам бориб қолди: уйига бостириб кирган номаълум йигит АКМ автоматини ўнглаб пул сўради. Сал "қулоғини қимирлатгандай" бўлувди ҳамки, босқинчи варанглатиб осмонга ўқ узди ва 50 мингги олиб қорасини ўчирди.

ЯНА 50 МИНГ

Кўкон шаҳрида номаълум шахслар муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи ўқитувчиси Б. Мирзоҳидованинг бир яшар ўғлини ўғирлаб кетишганди ва 50 минг сўм эвазига қайтариб беришмоқчи бўлишди. Кўрилган оператив чоралар натижасида бир қиз билан йигит ушланди.

ПОРТЛАШ

Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғида портлаш юз берди. Йўқ, мина, бомба, граната портламади. Ҳеч қанақа жанжал ҳам юз бермаган эди. Уч меҳмону бир мезбон ўтириб чойхўрлик қилишгаётган пайтда газ баллони портлаб кетди.

"Чойхўрлар" турли хил даражада тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилдилар,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида

Ушбу Қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлари

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишидан, бузилишидан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Қурорт ва рекреация жойлар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган жойлар (дарё vodiylari, адирлар, тоғ ён багирлари) нодир ва қимматбаҳо металл конлари, сув объектларининг соҳил бўйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари* (минтақалари), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг қўриқланадиган (буфер) жойлари, балиқчилик хўжаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг таққиланган минтақалари ҳамда бошқа жойлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартибда алоҳида муҳофаза этилмоғи лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектларининг ўзга турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3-модда. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад: инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

1 жонли табиатнинг турлари ва генетик бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш; табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни сақлаб қолишдир.

4-модда. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари,

вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжалиklar, шунингдек айрим шахслар хўжалик бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида куйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида гамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари илмий асосланган ҳолда уйғунлантириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги; табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошқоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

5-модда. Табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табиий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

6-модда. Табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тарикасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эғалик қилишга, фойдаланиш еки ижарага берилади.

II. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ТААЛЛУҚЛИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги

ваколатлари

Куйидагилар:
табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

давлат экология дастурларини тасдиқлаш; табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқариш ва қабул қилиш;

худудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо қўрганларнинг мақомини белгилаш; табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг кўп — кам ҳажмини, шунингдек тўловларни ундириб олишдаги имтиёزلарни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мутлақ ваколат доирасига киради.

8-модда. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида: табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;

табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

экология маорифи ва тарбияси тизими-ни яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва хўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

10-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида: ўз ҳудудда табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳолига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий техник жиҳатдан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш; табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларнинг ваколатига киради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНING ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-модда. Инсоннинг яшаш учун қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи ва бу муҳитни сақлаб қолиш борасидаги бурчи

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳоли ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

13-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат бирлашмаларининг ваколатлари

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ қабул қилинган уставларида белгилаб қўйилади.

(Давоми 4-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида

(Боши 3-бетда).

IV. АТРОФ ТАБИЙ МУХИТ СИФАТИНИ НОРМАТИВЛАР БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ
14-модда. Атроф табиий мухит сифатининг нормативлари ва стандартлари

Хўжалик фаолиятининг атроф табиий мухитга зарарли таъсири атроф мухит сифатининг аҳолининг экология жиҳатдан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Худудий — ишлаб чиқариш мажмуаларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий мухитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

15-модда. Экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф мухитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати давлат қўмитаси тасдиқлайди.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

V. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**16-модда. Табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши**

Табиатдан фойдаланишга атроф табиий мухитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

17-модда. Тупроқдан фойдаланиш шартлари

Тупроқ дейилганида ер қобигининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак.

18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари

Ер ости бойликлари дейилганда ер қобигининг юқори қисмини камраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар қавлаб олиш мумкин бўлган сатх, фойдали қазилмалар дейилганда эса китисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйдаги шартлар билан фойдаланилади:

қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф табиий мухит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни қавлаб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекултивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишга эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

19-модда. Сувлар ва сув хавзаларидан фойдаланиш шартлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер усти ва ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий

айланишини сақлаш, унинг нормативда кўрсатилган даражада тозаланиши таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларини асраш, сув хавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув хавзасига ландшафт элементлари сифатида зин-ен етказмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойларда, сув хавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

20-модда. Атмосфера хавосидан фойдаланиш шартлари

Атмосфера хавоси дейилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд хавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклантирмаслик шарти билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

21-модда. Жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари

Жонли табиат дейилганда табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан: уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;

уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;

атроф табиий мухитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарти билан фойдаланилади.

22-модда. Ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндиларини чиқариб ташлаш шартлари

Чиқиндилар, шу жумладан қўшилиб кетган моддалар ишлаб чиқариш ва коммунал-маиший соҳалардан такрор фойдаланиш, тўплаш, тарқатиб юбориш, кўмиб ташлаш орқали йўқотилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф табиий мухитга зарар етказмаган ҳолда чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади. Рўзгор чиқиндиларини йўқотиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Чиқиндилар кейинчалик улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, атроф табиий мухитга зарар етказмаслик имкониятини таъминлайдиган усулда чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки уларни жойлаш идишлари ва ўраш материалларининг бир қисми чиқиндига чиқадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ана шу чиқиндиларнинг қайта ишланишини таъминлашлари шарт.

23-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

VI. ЭКОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ
24-модда. Давлат экология экспертизасининг мақсадлари

Давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф мухитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

Давлат экология экспертизаси мақсади Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият табиатни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳалардан назарда тутилаётган табиатни муҳофаза

қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

25-модда. Давлат экология экспертизасининг объектлари

Қуйдагилар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак:

давлат дастурлари, концепцияларининг: ишлаб чиқарувчи кучлар ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш асосий йўналишлари ҳамда схемаларининг лойиҳалари;

ҳар қандай турдаги қурилиш учун жой танлашга оид материаллар, режа тузиш олдида, лойиҳалаш олдида тайёрланадиган ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари;

экология ҳолатига баҳо бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг дастурлари;

хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи йўл-йўриқ ва усул йўсинидаги ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратишга, шу жумладан чет эллардан сотиб олишга доир ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулот стандартлари;

Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;

кимёвий моддалар; айрим минтақалар, жойлар ва объектлардаги экология вазияти;

атроф табиий мухитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Давлат экология экспертизасининг ижобий ҳулосасиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади.

26-модда. Давлат санитария — экология экспертизаси

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий мухит ифлосланишининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди.

27-модда. Жамоатчилик асосида экология экспертизаси

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблаглари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг ҳулосалари тавсия таъминлигига эга бўлади.

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ**28-модда. Атроф табиий мухит мониторинги**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий мухитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий мухитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий мухитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув маҳсулоти қабул қилинган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий мухитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон

Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

29-модда. Экология назорати вазифалари

Экологик назорат олдида:

атроф табиий мухит ҳолати ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий мухитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий мухит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий мухит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

30-модда. Давлат атроф табиий мухит ҳолатини кузатиб бориш хизмати

Давлат атроф табиий мухит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий мухитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий мухитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу мухит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий мухит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий мухит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб таъминлигини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар жадастрлари юритилади.

Атроф табиий мухит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган, объектлар, атроф табиий мухитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндиларининг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий мухит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф мухитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланган бўлади.

31-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва қончилик назорати давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида

муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоровий экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

32-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоровий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экологик хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоровий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим тадбирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар.

Идоровий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу Қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади.

VIII. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

33-модда. Табиатни муҳофаза қилиш таъминлашнинг иқтисодий тартиботи

Табиатни муҳофаза қилиш таъминлашнинг иқтисодий тартиботи:

табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

экология нуктаи назаридан хавфли технологияларни қўлланганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

атроф табиий муҳитни ифлосланттирувчи моддаларни чиқариш, қазिश ёхуд экология нуктаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда тоvon пули ундиришни;

табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматик-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман махрум этишни;

экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, меъёрида белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-терғаб

ва оқилона фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўлланишни;

табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик (ифлосланттирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва ўзгача тўлов миқдорлари, шу жумладан ижара тўловларининг миқдори, табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатлари иноватта олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф табиий муҳитга ифлосланттирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорлари ҳамда тегишли лимитлар манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари томонидан тасдиқланади.

Республика аҳамиятига молик табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан, маҳаллий аҳамиятга молик табиий ресурслар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади.

Атроф табиий муҳитга ифлосланттирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун, шунингдек табиатдан рухсатномада (нормативда) белгиланганидан ташқари фойдаланганлик ва ўзгача махсус тарзда нооқилона фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналарнинг фойдасидан (даромадидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг бюджетига тушади ҳамда алоҳида модда билан ҳисобга олинади.

Атроф табиий муҳитга ифлосланттирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига келиб тушади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатдан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилиш ҳоллари, шунингдек бошқа солиқ имтиёзлари назарда тутилиши мумкин.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ва зарарли моддаларни чиқарганлик (оқизганлик) учун тўловларни амалга ошириш корхона, бирлашма ва ташкилотни, шунингдек айрим шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

35-модда. Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурда табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалар ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан шунингдек ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

36-модда. Экология сугуртаси

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий сугурта қилинади.

Экология сугуртасининг тартиби ва шартномалари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилади.

37-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги рағбатлантириш

Табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш рағбатлантириш:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирда уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун имтиёзли шартларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

атроф табиий муҳитга ифлосланттирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш барқарор суръатда пасайтириб бориладиган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни қайтариш;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисmini ифлосланттирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни қайтариш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фойзли қарзлар сифатида шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

IX. ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИЯ ВАЗИЯТЛАРИ

38-модда. Фалокатларни ва уларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этиш

Фалокат содир бўлган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотлар фавқулодда экология вазиятларига мўлжалланган ўз ҳаракат режаларига мувофиқ фалокатни бартараф этишга дарҳол киришишлари шарт. Айни вақтда улар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган

чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига, шунингдек бундай фалокатларнинг экологияга зарарли оқибатларини бартараф этишга ихтисослашган хизматларга дарҳол хабар қиладилар.

39-модда. Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлигининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмаё ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ёки экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатилиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

40-модда. Экология нуктаи назаридан хавф тугдирадиган вазиятлар

Экология нуктаи назаридан хавф тугдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланиши, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуктаи назаридан хавф тугдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

X. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА БОШҚА ЙЎСИНДАГИ ФАОЛИЯТГА ДОИР ЭКОЛОГИЯ ТАЛАБЛАРИ

41-модда. Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талаблари

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндилари ҳосил бўлишини қайтаришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, қўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

(Давоми 6-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида

(Бош 3, 4, 5-бетларда)

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ ҳўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

42-модда. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаш пайтидаги экология талаблари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда қўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилган тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизлиқни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни қўмиб ташлаш учун рухсатнома давлат санитария ва кон назорати идоралари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилди.

43-модда. Табиатни шовқин, тебраниш, электромагнит майдонлари ва бошқа зарарли физик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг ва зарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

44-модда. Табиатни назорат этилмайдиган ва зарарли биологик таъсирлардан муҳофаза қилиш

Табиатга зарарли биологик таъсир ўтказётган ёки ўтказиши мумкин бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бундай таъсир оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини амалга оширишлари шарт.

Янги микроорганизмлар, вируслар ва шакллар ҳосил қилишга ва фойдаланишга, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишга фақат давлат санитария назоратининг ижобий ҳулосаси бўлганидагина рухсат этилади.

45-модда. Табиатни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан ифлосланишидан муҳофаза қилиш

Зарарли чиқиндиларни, шу жумладан радиация даражаси юқори бўлган радиоактив чиқиндиларни, шаҳарлар ва

бошқа аҳоли пунктлари ҳудудида ва улар яқинида; аҳоли зич яшайдиган регионларда, курортларда, даволаш-соғломлаштириш минтақаларида, рекреацион минтақаларда, шунингдек сув объектлари ва сувни муҳофаза қилиш минтақаларида қўмиб ташлаш таъқиқланади.

Чиқиндиларни масус қурилмаларда зарарсизлантириш, полигонларда қўмиб ташлаш ва тўплаш табиатни муҳофаза қилиш давлат идораларининг рухсатномаси билан амалга оширилади.

46-модда. Экология гувоҳномалари
Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган мезонларни бузган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ва тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озик-овқат маҳсулотлари) ишлаб чиқариш ман этилади.

Экология гувоҳномаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

XI. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК, ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Тубандаги ҳолларда: табиатнинг муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сигимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан

давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда; ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва қўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазибаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

48-модда. Атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш

Корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи тугилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

49-модда. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхона, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

50-модда. Табиатни муҳофаза

қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштиришни норматив лимитларда белгиланганидан кўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиш керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорига мувофиқ айтиб ўтилган қоидабузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

51-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш оқибатида зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг жавобгарлиги

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлигига ва одамларнинг мол-мулкига, халқ ҳўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

52-модда. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлигига ва одамларнинг мол-мулкига, халқ ҳўжалигига зиён етказган экология жиҳатдан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади.

53-модда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матуботда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар уларнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга тегишли ўзгартишлар киритишга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза

қилиш давлат қўмитаси уч ойлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат комитетлари, идоралари, концернлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва

тасдиқласин.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган ҳисоблансин:

— 1959 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақида”ги Қонун (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959, №12, 6-модда);

— “Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1972 йил 26 октябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972, №30, 316-модда);

— “Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонунга

ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармонини тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 1972 йил 27 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1972, № 36, 370-модда);

— “Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984, № 7, 110-модда);

— “Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг

Ўзбекистон Республикасининг баъзи бир қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида” 1984 йил 28 июндаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Ўзбекистон Республикасида табиатни қўриқлаш ҳақидаги Қонун”га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 март Фармонини тасдиқлашга доир қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1984, № 19, 281-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

15 ФЕВРАЛЬ

ЎЗТВ I

18.00 Янгилар. 18.10 "Кичик дўстларимиз саргузаштлари". Мультфильм 1-фильм. 18.30 "Томоша". Сухбат, учрашув, мунозара. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Хуқуқий таълим истиқболлари". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Мулоҳаза". Қорақалпоқ театри уфқлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Бобур изидан". 2-қисм. 22.00 "Бахтли бўлай десанг". Бадий фильм.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.00 "Ассалому алайкум". 19.30 Болалар учун. "Совға". 20.00 "Лаҳза". 20.15 "Бевосита мулоқот". Шаҳар телефон алоқа тармоғи. 21.00 "Билиб қўйган яхши". 21.15 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 21.55 "Лаҳза". 22.10 "Дарахтлар катта эди". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 "Яқинлар". 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильмлар. 9.50 Ўқимизда қолган фильмлар. "Кучук етаклаган хоним". 11.30 "Гол". 12.00 Янгилар. 12.20 "Марафон-15". 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 Мультфильм. 16.30 "Оқо" студияси "Хотира азоби" ҳужжатли фильм премьерасини таништилади.

17.10 Болалар телевидениеси ассоциацияси. Ёш созандалар концерти (Ашгабад). 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "НЭП". 18.55 "Иқболи кулганда". 19.35 "Гол". 20.10 "Горячев ва бошқалар". 3-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 Ўқимизда қолган фильмлар. "Кучук етаклаган хоним". 23.05 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади:

23.20 "Озодлик томон бир қадам". 23.25 "Бомонд". 23.45 "Бирок". 00.35 "ТВ-галерея". 00.55 "Евгений ва...". 01.15 "Джем-сейшн".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Мутлақо" махфий. 9.55 "Параллеллар". 10.10 "Тилла шпора". 10.40 "К-2" таништилади: "Медиа". 11.35 "Телекрассворд". 12.05 "Бевосита кўрсатув". Бадий фильм. 13.35 Мультфильм. 13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.10 "Қор — менинг тақдирим" 9-серия. 15.05 Фольклор. "Самимий сухбат". 15.40 "Кирк Стифф компанияси". "Бизнеснинг шаклланиши туркумидан телефильм". 16.10 Янгилар. 16.25 "Рост" студияси. "Фойтун". 16.55 Трансроссфир. "Акс этиш". 17.40 Виктор Астафеев: "Осойишталик даври".

18.00 — 20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Ҳақиқат онлари". Андрей Караулов саволларига А.И.Лукьянов жавоб

беради. 20.55 Душанба кунини детектив. "Лакни Страйка" таништилади. "Охирги мактуб". Бадий фильм. (АҚШ).

21.55 — 24.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

СЕШАНБА

16 ФЕВРАЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.30 "Академик Ҳабибулла Абдуллаев". Телефильм. 7.55 Дунё хабарлари. 8.05 "Ўзундан узоқ иш". Бадий фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 Болалар учун.

"Соғға" 10.50 Ўқув кўрсатуви. Физика. 11.00 "Томоша". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 18.00 Янгилар. 18.10 "Кичик дўстларимиз саргузаштлари". Мультфильм. 2-фильм. 18.25 "Кичкинтой" устахонаси. Тойчоқ ва кучукча яшаш. 18.55 "Спортлото". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ҳамза мукофотиға номзодлар. Азим Суюн. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Шарқ дурдоналари". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Бобур изидан". 3-қисм. 22.00 "Дерсу Узала". Бадий фильм. 1-серия. 23.10 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Халқ манфаати йўлидан". Тошкент вилояти ҳокимияти ходимлари билан бевосита мулоқот. 19.30 "Музыкали меҳмонхона". 20.10 "Бизнинг интервью". Нафақалар хусусида. 20.30 "02" тўлкинида. 20.50 Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Қувноқ нотачалар". 9.35 Мультфильм. 9.50 "Ёлгон дарё". 4-серия. 10.40 "Горячев ва бошқалар". 3-серия. 11.10 "Рок-сабоқ". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Мегра ва кекса хоним". Телеспектакль. 1-қисм. 13.40 "Ўз олдингда". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 14.50 Мультфильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 15.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 16.10 Болалар учун Литва телевидениеси кўрсатувлари. 17.05 "Рок-сабоқ". 17.45 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Бугунги Литва". 18.50 "Ёлгон дарё". 4-серия. 19.40 "Миниатюра". 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Ҳокимият". Телеспектакль премьераси. 23.15 "Матбуот-экспресс". 23.25 "Максима". 24.00 Янгилар. 00.40 "Труба" радиоси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ҳақиқат онлари". Андрей Караулов саволларига А.И.Лукьянов жавоб беради. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. "Хонаки клуб". 10.05 "Сиз яратган боғ". 10.35 "Бруней — жаҳон маскани". 10.55 "Музыка йирик планда". 11.50 "Репортер". 12.05 "Илон оловчи". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 "Айболит — 66". Бадий фильм. 15.40 Телебиржа. 16.10 Янгилар. 16.25 "Карвон". 16.55 Трансроссфир. "Кавказ-ревью". 17.40 "Болалик пайтимизда".

18.00 — 22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Алексей Мартинов концерти. 22.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 23.00 Спорт кўрсатувлари. 23.05 "Арт-обстрел". 00.40 "Гайдар билан бир йил".

ЧОРШАНБА

17 ФЕВРАЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" 7.30 "Мақом". Фильм-концерт. 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 "Севги қудрати". Бадий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 "Дўстлик риштаси". Қорақалпоғистонлик ёш ижодкорлар билан учрашув. 10.30 Ўқув кўрсатуви.

Информатика. 11.00 "Мен юртимнинг пок истакли кучиман...". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари 12.30 "Ёшлик" студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгилар. 18.10 Мультфильм. 18.30 "Талабалик йилларим". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.30 "Осойишталик посбонлари". Ички ишлар вазирлиги хабарномаси 19.35 "Муносабат". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Музыкамиз истиқболи". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Кино усталари". 22.20 "Дерсу Узала". Бадий фильм. 2-серия. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". 19.20 "Бумеранг". 20.00 Ретро-концерт. 20.50 "Спринт". 21.10 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 22.10 "Ўлим билан олишув". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Тингланг, томоша қилин". 9.40 "Ёлгон дарё". Бадий фильм. 5-серия. 10.30 "Ҳайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 11.10 Болалар телевидениеси ассоциацияси. Ёш созандалар концерти (Ашгабад). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 Ж. Сименон. "Мегра" ва кекса хоним". Телеспектакль 2-қисм. 13.35 "Ўз олдингда". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 14.40 Мультфильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 Т. Суворова куйлайди. 16.30 "Леннеберглик Эмиль". Бадий фильм. 12-серия. 17.00 "Қизлар орасидаги сир". 17.20 Мультфильм. 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканални таништилади. 18.50 "СОС". 19.05 "Ёлгон дарё". Бадий фильм. 5-серия 20.00 "Бўлмагур гап" 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.20 "Эфирда мусиқа". 23.10 "Матбуот-экспресс". 23.20 "Театр учрашувлари". 24.00 Янгилар. 00.40 "L — клуб".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Гайдар билан бир йил". 9.25 "Петербург солистлари" камер оркестрининг концерти 9.50 Концерт. 10.05 Ватандошлар. 10.35 "Бола тилидан...". 11.05 "Болалик пайтимизда". 11.20 "Аз есмь". 12.05 "Санта-Барбара". 13-серия. 12.45 Ф. И. Шалаяпин ҳақида ҳужжатли фильм". 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 "Гап-гаштакларни қўмсаб". 14.30 "XX аср кадрда ва кадр ортида". 15.30 "Оқ гул" фермаси". "Бизнеснинг шаклланиши" туркумидан телефильм. 16.00 Янгилар. 16.15 "Очиқ дунё". 17.00 "М-трест". 17.15 "Колорадода 9 кун".

18.00 — 22.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 Динозаврга айланмайлик". 22.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 23.00 Спорт кўрсатуви. 23.05 "Экспо-марказ" таништилади. 23.10 "Нота бене" студияси

ПАЙШАНБА

18 ФЕВРАЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" 7.30 "Юнус Ражабий". Телефильм. 8.00 "Дунё хабарлари. 8.10 "Дўст". Бадий фильм. 9.30 Араб тили. 10.00 "Рўзгор

ташвишлари". 10.40 Болалар учун фильм "Оқ ёл ҳақида қисса". 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари 12.00 "Ёшлик" ёғдуси.

18.00 Янгилар. 18.10 Мультфильм. 18.30 "Саломат бўлинг!". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Элга хизмат". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Сўзана ва чинни бў-юмлар". Телефильм. 20.25 "Тановар" рақс ансамбли ижросида "Нодира" спектакли. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Жиноят жазосиз қолмайди" Фарғона вилоятида уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш. 22.15 "Марду майдон". Қашқадарё вилояти. 23.15 "Гўгуртга кетиб". Бадий фильм. 00.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун "Табассум". 19.00 "Шарқ лирикаси". 19.25 "Билим сарчашмалари". Ўзбекистон ва Греция олимларининг ҳамкорлиги. 20.00 "Пульс". 20.15 "Бу оқшомда". 21.30 "Пульс". 21.45 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильмлар. 9.35 "Ёлгон дарё". Бадий фильм. 6-серия. 10.25 "Бизнинг мусиқий клуб". 11.05 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Студенаядаги қишлов". Телевизион бадий фильм. 13.30 "Қисқа ўйин". Телевизион бадий фильм.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Леннеберглик Эмиль". Бадий фильм. 13-серия. 16.45 Мультфильм. 17.00 "Бизнинг мусиқий клуб". 17.40 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.50 "Ёлгон дарё". Бадий фильм. 6-серия. 19.45 "Рен-ТУ таништилади...". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 Биз йўқотган Россия. (Мосфильм). 23.45 Матбуот-экспресс. 24.00 Янгилар. 00.40 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. Шведиядан кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Нота бене" студияси. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Республика мулки. Қайтиш. 10.25 Концерт. 10.55 "Осойишталик №9". 11.55 "Санта-Барбара". 13-серия. 12.45 Ф. И. Шалаяпин ҳақида ҳужжатли фильм". 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 "Гап-гаштакларни қўмсаб". 14.30 "XX аср кадрда ва кадр ортида". 15.30 "Оқ гул" фермаси". "Бизнеснинг шаклланиши" туркумидан телефильм. 16.00 Янгилар. 16.15 "Очиқ дунё". 17.00 "М-трест". 17.15 "Колорадода 9 кун".

18.00 — 22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Менинг Ватаним. "Вилоятдан мактублар". 23.20 "Нима учун бизни жаннатдан қувдилар? Шейри-мусиқий композиция.

ЖУМА

19 ФЕВРАЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон". 7.30 "Қалбида қуёш тафти". Телефильм. 8.05 Дунё хабарлари. 8.15 "Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа". Бадий фильм. 9.45 Инглиз тили. 10.15 "Нишона". Жиззахлик ёш шоир ва рассомлар. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари.

18.00 Янгилар. 18.10 "Мультитанорама". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Тадбиркор". Республика ишбилармонлари ҳаракати. 19.50 "Шейрият дафтаридан". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Ҳамшаҳарлар". 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Концерт. 22.00 "Мустақиллик иқтисодиёти". 23.05 "Дизия командирининг бир кунини". Бадий фильм. 00.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм. 18.25 "Байкем, Эжем жана биз". 18.40 "Энергетика" кўрсатуви. 19.00 Хабарлар. 19.20 "Абалин қандай малчи?". 19.50 Қирғизистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.50 "Драга". Телефильм. 21.00 Хабарлар. 21.20 "Назар". 21.25 "Мааннулуу маек". 21.55 "Илим байланишлари чиндалат".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Мультфильмлар. 9.50 Болалар учун фильм. "Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса". 11.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 Америка М. Таратута билан. 12.50 "Макропупос воситаси". Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 Мультфильмлар. 16.30 Автоспорт. "Юлдузлар пойғаси". 16.50 "Театр + ТВ". 17.50 "Иш". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Давлатлараро "Останкино" телеканални таништилади. 18.45 "Инсон ва қонун". 19.15 Америка М. Таратута билан. 19.45 "Мўжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Ҳафтаннинг машҳур киши". 21.40 "Детективлар клуби" да. "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади. "Териси қалин". Кўп сериали телевидени бадий фильм премьераси. 23.15 "Матбуот-экспресс".

"ВИД" таништилади: 23.30 "Сийсий бюро". 00.35 "Музобоз". 01.15 "Автошоу". 01.30 "Обоз" майдончаси". "Мен деярли машҳурман". Танаффус пайтида (24.00)-Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Вилоятдан мактублар". 9.50 "Диққат, сувратга олаёйман". 10.05 Усталар. "Александр Руквишниковнинг учбурчаги". 10.35 "Оқ қарға". 11.20 "Россиянинг ёш истеъодлари". 12.10 "Санта-Барбара". 13-серия. 13.00 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.25 "Ижица". 13.55 Телебиржа. 14.25 Янгилар. 14.40 "Бизнинг "Аралаш-қуралаш". 15.10 Катталар учун мультфильм. 15.20 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. Шведиядан кўрсатилади. 16.00 "Катта давра". 16.25 Чанги спорти. (давоми). 17.15 Трансроссфир. "Сунган юлдузми?". 17.45 "Ҳар бир кун байрам". 18.20 Жума кунлари Уолт Дисней. Бадий фильм.

19.15 — 22.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.45 "Қайғунинг бегонаси бўлмайди". Хайрия концерти. 00.25 "Дунё гузали. Тарих". 00.45 "К-2" таништилади. 01.40 Тунги салон.

(Давоми 8-бетда).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

(Боши 7-бетда).

ШАНБА 20 ФЕВРАЛЬ ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 "Алифбо сабоқлари". 8.40 "Капитан Врунгелнинг янги саргузаштлари". Бадий фильм. 9.55 Халқ миллий ўйинлари. 10.25 "Навойни кўмсаб". Институтда навоийхонлик. 11.05 "Тадқиқот ва ҳамкорлик". 11.45 "Бинокор". 12.25 "Яшил чироқ". 13.25 "Бола бошидан...". 14.05 Тижорат канали. Усмон Юсупов районидagi 24-сонли Автономов номли давлат хўжалиги. 18.00 Мультфильм. 18.15 "Умид учқунлари". Усмирлар ҳаётидан лавҳалар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Сиҳат-саломатлик". 19.55 Телефильм. 20.10 "Оламга саяхат". Кинокурсадув. 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 4-серия. 22.15 "Назм ва наво". 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАДАИ "ОРБИТА IV"

6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 "Матбуот-экспресс". 7.10 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 "Марафон-15" — кичкинтойларга. 9.25 "Ўз-ўзинга мадад бер". 9.55 "Шанба кунги дастхат". 10.25 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 11.35 Инсон институти. 12.05 "Мусликий дўкон". 12.35 "Анатолий Тарасов хоккейи". Телефильм премьераси. 2-фильм — "Ишқибозлар". 13.30 "Илҳом манбалари". 14.00 "Демократия ҳақида новеллалар". Телефильм премьераси. 2-фильм. — "Вақт — пул демакдир". 14.30 "Сеними, шошмай тур!". Мультфильм. 1 ва 2-сонлар. 15.00 Янгилар. 15.20 "Бошқа ўлчовдаги дунё". Телевизион бадий фильм премьераси. 1-фильм. 17.00 "Ультраси". Спорт кўрсатуви. 18.00 "Қизил квадрат". 18.40 "Виктория". Аскар қўшиқлари фестивали. 19.50 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Бошпана". Телевизион бадий фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар. 21.00 Янгилар. 21.25 "Коламбия пикчерс" таништилади. "Қироллик курсисиди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси (АҚШ). 22.25 "Матбуот-экспресс". 22.35 "Брей-ринг". 23.40 Катталар учун мультфильмлар. 24.00 Янгилар. 00.40 "Сновидения" тунги канали.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 8.50 "Чашмалар".

9.20—12.40

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. "Ўзбекистон — қадрдон уйим". 2. "Кашфиётлар оламида". 3. "Замандас". 4. "Йўл четидан бугун ва эртага".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

12.40 Мультфильм. 12.55 "Чегарасиз футбол". 13.50 Мультфильм. 14.00 "Балет балет...". 14.40 "Омад кулиб боққанда". 15.40 "Катта шаҳар чироқлари". Бадий фильм. 17.15 Чанги спорти жаҳон чемпионати. Швециядан кўрсатилади.

19.05—22.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 "Уруш, урушда". Бадий фильм. 24.00 Спорт кўрсатуви. 00.05 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

ЯКШАНБА 21 ФЕВРАЛЬ ЎЗТВ I

7.00 "Муножот". Фильм-концерт. 7.40 Телефильм. 8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм. 4-серия. 9.15 "Қувноқ старлар". 10.15 "Тошкент" студияси кўрсатади. 11.45 "Инсон ва замин". 12.45 Тижорат канали. "Олтинга кон Зарафшон". 18.00 "Қўнғироқча". Кичкинтойлар ҳаёти. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Билиб қўйган яхши". 19.35 "Тилларанг ришталар жозибаси". Телефильм премьераси. 19.50 Мусликий дақиқалар. 20.00 Жаҳон спорти янгилар. 20.10 Телевизион театр. С. Сиев. "Талваса". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Насриддиннинг саргузаштлари". Бадий фильм. 22.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАДАИ

9.05—12.00 Програмада: "Хуш хабарлар", "Балдар студиясининг мейманханасида", "Жилдиздуу бала", "Бобок, сенин жомоғун", "Дидар-шоу". Мультфильм. 18.05 Мультфильм. 18.35 Тижорат канали. Концерт (рус тилида). 19.20 "Киномеридиан". 20.40 Қирғизистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.10 "Киномеридиан". "Аномалия" бадий фильмининг премьераси.

"ОРБИТА IV"

6.55 "Рухни чинқириш". 7.55 Янгилар. 8.35 Эрталабки гимнастика. 8.45 "Спортлото" тиражи. 9.00 "Марказ". 9.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгисини". Кўп серияли мультфильм премьераси. 10.00 "Ҳозирча ҳаммаси жойида". 10.30 "Марафон-15". 11.20 "Пи" белгиси билан. 12.05 "Қора кўркем от саргузаштлари". Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 12.30 "Авиакосмик салон". 12.45 "Вазият". "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништилади. 13.15 "Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.25 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 14.15 В. Арафанлов чалади (аккардеон). 14.25 "Хунарли хор бўлмади". 14.30 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. Швециядан кўрсатилади. 15.30 Янгилар. 15.50 "Саяхатчилар клуби". 16.40 "Панорама". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 Мультфильмлар. 18.55 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.10 "Қойилмақом еттовлон". 20.10 Ю. Эдлис. "Соғалар ўйини". Фильм-спектакль премьераси. 22.00 "Яқунлар". 22.50 "Орзулар вокзали". 23.50 Катталар учун мультфильм. 24.00 Янгилар. 00.25 Тунги эфирда "Тонг юлдузи". 01.05 Футбол. "Ўзбекистон сари йўлда".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 8.50 "03" кўрсатуви. 9.20 "Рост" студияси. 9.50 "Мегаполис". 10.20 "Қонун бўйича сиз қиролсиз". 10.50 "Ати-бати...". 11.20 Телекрассворд. 11.50 "Кексайиб қолганда". Бадий фильм.

13.00—16.25

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

1. "Бурч" туркумидан. "Жанговар йўллардан". Видеофильм. 2. "Умид" (уйгур тилида). 3. "Бизнен мирас" (татар тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.25 Уолт Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 17.15 "Қарама-қаршилиқлар".

18.00—20.30

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.30 "Ўғай она Саманишвили". Бадий фильм.

22.00—24.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" газетасидан олинди).

ТАБАРРУК ЁШИНГИЗ БИЛАН!

Азиз ва меҳрибон Қундузхон ая!

Сизни муборак 65 ёшингиз билан чин қалбдан қутлаймиз. Сиз, азиз онажонимизга бардамлик, узоқ умр ва бахтимизга доим соғ-саломат, ҳаммамизга бош бўлиб юришингизни тилаб, чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан

фарзандларингиз ҳамда набираларингиз номидан ўғлингиз БАХТИЁРЖОН.

Э Ў Л О Н Л А Р

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш муҳандислари Тошкент факультети 1993-1994 ўқув йили учун тингловчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Факультетга ўрта маълумотли, ички ишлар идораларининг талабларига жавоб берадиган, соғлиги ҳарбий хизматга ва ўқишга лойиқ, ёшлари 17 дан 23 гача бўлган йигит-қизлар (фуқаролардан) ва 25 ёшдан ошмаган ички ишлар ходим ва ходималари қабул қилинади.

Факультет ички ишлар идоралари учун олий муҳандис маълумотига эга бўлган раҳбар кадрлар тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ЙИЛ,
ДАРСЛАР 1 СЕНТЯБРДАН
БОШЛАНАДИ.

Ўқиш давомида тингловчилар овқат, формали кийим-кечак ва ётоқхона билан бепул таъминланадилар.

Кириш имтиҳонлари абитуриентларнинг хоҳишига биноан ўзбек ёки рус тилида топиширилиши мумкин.

Кириш имтиҳонлари 12 дан 26 июлгача ўзбек (рус) тили ва адабиёти (ёзма-иншо), математика (ёзма), кимё (оғзаки) ва жисмоний тарбиядан бўлади.

Факультетни тугатганларга махсус "ички хизмат лейтенанти" унвони берилади ҳамда "Ёнгиндан сақлаш муҳандиси" иختисослиги билан муҳандислик олий маълумоти олганлиги тўғрисида диплом ва кўрак нишони топиширилади.

Факультетда ўқишни истовчилар ўқишга кириш шартлари билан турар жойларидаги ички ишлар идорасининг шахсий таркиб билан ишлаш хизматида (кадрлар бўлимида) танишишлари мумкин.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Фарғона

вилояти Бағдод

тумани ички

ишлар бўлими

томонидан 1974

йилда Бағдод

туманининг

Самандарак

қишлоғида

туғилган, шу

қишлоқда

яшовчи

Абдулхамид

Алижонович

Ҳожимўллаев

қидирилмоқда.

Ушунининг

19 январь куни

кечки соат 17

ларда уйдагиларига

тўйга кетаётганлиги ҳақида

билдириб, чиқиб кетган ва қайтмаган.

Уст-боши: эғида оқ кўйлак, қора жемпер, сариқ



рангли куртка, "варёнка" шим, оёғида қора рангли туфлиси бўлган.

Белгилари: бўйи 170 сантиметр, гавдаси ўртадан келган, юзи думалоқ, сочи, кўзи, қоши қора.

А. Ҳожимўллаев ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлганлардан бу тўғрида 92-2-62, 91-8-94, 91-8-76 ёки "02" рақамли телефонлар орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Абдуқодир Салимович Раҳимжоновга волидаи муҳтарамаеи

Сабура РАҲИМЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиб эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
«ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.